

## МАКТАБГАЧА БОЛАЛАРДА АУТИЗМ ВА УНИ ДАВОЛАШНИНГ ПЕДОГОГИК МЕТОДЛАРИ.

Эгамбердиева Нодира Мелибаевна

Мухитдинова Дилдора Алишер кизи

“Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти

**Аннотация:** Бугунги кунда аутизм касаллиги дунё бўйлаб кенг тарқалиб бораётган касалликлардан бири ҳисобланади. Ўзининг пайдо бўлиш жараёнига нисбатан анча ёш касаллик бўлиб, ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Бугунги кунда дунё олимлари, психологлари, медиклари ва айнан шу соҳа мутахассислари томонидан олиб борилаётган тинимсиз изланишлар аутизмнинг руҳий касаллик эмас, балки ҳолат эканини таъкидлайди. Мақолада аутизм касаллигининг пайдо бўлиш сабаблари, унинг турлари, таъхис қўйиш, мутахассисларни тайёрлаш, даволаш йўллари ва даво терапияларининг ижтимоий-педогогик методлари ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** аутизм синдроми, нутқ ривож, стереотиплик, ҳиссий алоқа, таъхис, ижтимоий муносабатлар, коммуникатив кўникмалар узилиши, Лео Каннер тадқиқоти, АВА терапияси, интенсив эрта терапия.

**Аутизм** – XXI аср эпидемияси деб аталмоқда. Бугун дунёдаги болаларнинг 1% да аутизм мавжуд. Шунга қарамай у ҳали яхши ўрганилмаган. Кўпгина мамлакатларда унинг диагностикаси ривожланмаган. Олимлар аутизм она сайёрамиз бўйлаб сезиларли даражада ошиб бораётганини таъкидламоқдалар. Собиқ СНГ давлатларида аутизм ҳақида яқиндан бошлаб тез-тез гапирилмоқда – авваллари бу ҳақда билмаганлар. Бу региондаги минглаб болалар шу вақтгача малакали таъхис ва ёрдам олмаганлар.

Аутизм\* - бу одамнинг ижтимоий мослашуви, нутқ функцияси, ақлий ривожланишининг бузилиши билан боғлиқ касаллик. Болалар аутизмини эрта таъхислаш уни даволашда яхши натижаларга олиб келади. Даво терапиясининг энг асосий йўналиши - бу болани ўқитиш ва ижтимоийлаштиришдир. Аутизмни тан олиш ва даволаш осон иш эмас. Аутизмни ўз вақтида аниқлаш ва тузатиш, энг аввал ота-онанинг зийраклиги, зукколиги, фидойилиги билан боғлиқ масаладир.

Ўтган асрнинг ўрталарида аутизм ҳали жуда кам учрайдиган касаллик эди. Вақт ўтиши билан ундан азият чекаётган болаларнинг сони кўпайиб борди.

Болаларда аутизм касаллигининг кўпайиб бораётгани жиддий муаммога айланди. Ва бу ҳолат жиддий изланишларни талаб этди. Олимларнинг фикрича аутизм касаллигининг келиб чиқишига қатор омиллар сабаб бўлиши мумкин.

Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- генларнинг модификацияси;
- марказий асаб тизимининг органик шикастланиши (энцефалит, мия қисмларининг анормал ривожланиши);
- гормонал узилишлар, метобалик касалликлар;
- вирусли ва бактериал инфекциялар таъсири;
- антибиотиклардан ортиқча фойдаланиш;
- хомиладорлик пайтида организмга кимёвий таъсирлар.

Юқоридаги қайдларнинг болаларда аутизм касаллигининг ривожланишида қанчалик таъсирга эга ёки эга эмаслиги охиригача ўрганилмаган. Бироқ, туғма мойиллиги бор болага ҳар қандай омилларнинг, шу жумладан қаттиқ кўрқиш ёки юқтирилган инфекцион касалликларнинг таъсири бўлиши табиий. Болаларда аутизм касаллиги дастлаб ақлан заифлик, ақлий жиҳатдан ногиронлик касалликларининг бир кўриниши сифатида қаралган. Бундай болалар соғлом болалар қаторида ясли, боғча, мактабга боришга, таълим олишига, ўқишга, ўзини ўзи бошқаришга, оддий одамлар ҳаётини яшаб ўтишга лаёқатли эмас деб ҳисобланган. Аутизм касаллиги намоён бўлган болалар ақлий жиҳатдан заиф бўлган болалар учун мўлжалланган ташкилотларга бириктирилган. Бироқ, тинимсиз изланишлар натижаси болаларда аутизм касаллигининг ақлан заифлик касаллиги эмаслигини тугал равишда исботлаб берди. Бу исбот аутизм билан касалланган ёш болаларнинг барча болалар қатори таълим-тарбия олиши мумкинлигини, барча соғлом болалар қатори озод, эркин ва бахтли ҳаёт кечиришга ҳақли ва лаёқатли эканлигини узл-кесил ҳал қилиб берди. Бироқ, бундай натижага эришиш ниҳоятда узоқ ва машаққатли меҳнатни талаб этади.

Болаларда аутизмни ўз вақтида аниқлаш жуда муҳимдир. Бунда унинг хулқ-атвори, ўз ёшига нисбатан атипик намоёнликларига эътибор қаратиш лозим. Албатта, бундай кузатув ота-оналар зиммасидадир. Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг соғлом, ақлли ва бахтли бўлишини истайди. Ота-она ўз фарзандининг келажаги учун барча шарт-шароитларни яратишга ҳаракат қилади. Фарзандига меҳр беради. Фарзанд оилага бахт, қувонч олиб келади. Дунёга келган фарзандининг ҳар бир ҳатти-ҳаракати ота-онасига олам-олам шодлик олиб келади. Ота-она ўз фарзандининг ҳар бир қилиғини, ҳаракатини, қарашини зўр хурсандчилик билан кузатади. Бироқ, фарзанд ота-она учун фақат овунчок,

бахт мезони эмас. Ҳар бир ота-она жамиятга ҳар томонлама етук, комил шахс - жамият эгасини тарбиялаб, етказиб беришга масъул ва бурчлидирлар. Ва ҳар бир ота-она жамият олдида энг аввал шу нуқтаи назардан ОТА-ОНА мақомига эга бўладилар. Ота-она фарзанди ҳатти-ҳаракатларини кузатаётганида бахт нашидасидан тўлқинланиб, зийракликни унутиб қўймасликлари жуда муҳим. Аксарият ҳолларда эътиборсизлик, зийракликни йўқотиш бола соғлиғи билан, руҳияти билан боғлиқ муаммоларни пайқамасликка, вақтни ўтказиб юборишга олиб келиши мумкин. Болалардаги аутизм касаллиги ота-онанинг зийраклиги билан сезиладиган, аниқланадиган касалликдир. Оилада мактабгача болалар тарбияси ота-она тасарруфида экан, бу нарса отанинг ва онанинг масъулият ва бурчини нақадар муҳимлигини кўрсатади. Боланинг атроф муҳитга, оила аъзоларига, ташқи таъсирларга муносабати қайсидир маънода унинг соғломлик даражасини белгилаб беради. Болалардаги аутизм ўзининг қатор умумий симптомларига эга. Ва бу симптомлар асосан бир ярим, икки, узоғи билан уч ёшгача юзага чиқади. Булар қуйидагилардан иборат:

- нутқ бузилиши – аутист болаларнинг баъзилари умуман гапирмайдилар. Гапирадиганлари эса ўз тенгдошларидан анча орқада қоладилар. Ўн икки ойдан то бир ярим ёшгача бўлган аутист болалар соғлом болалар сингари баъзи алоҳида сўзларни айта олмайдилар. Улар доимий равишда фақат бир хил оҳангдаги овоз чиқарадилар. Икки ёшда уларнинг сўз бойлиги ниҳоятда кам бўлади ( кўпи билан 15 та сўз). 3 ёшда аутист болалар сўзларни сўзларга қўшиб, жумла туза олмайдилар. Бироқ, аутист болалар қаердадир эшитган сўзларни , баъзан ҳатто катта ибораларни ҳам ёддан қайтариб юра оладилар. Ёки ҳеч ким тушунмайдиган ўз луғатларини яратиб оладилар (неологизмлар – грек. т. “нео” ва “логос” - янги сўз - яқинда пайдо бўлган сўз ва иборалар ). Аутист болалар мулоқат учун нутқдан фойдаланмайдилар. Улар ўзлари ҳақида учинчи шахсда гапирадилар.

- одамлар ва ота-она билан ҳиссий алоқанинг йўқлиги – аутизм билан касалланган бола одамлар кўзига қарамайди, кўзини олиб қочади, ота-онага талпинмайди, кулмайди. Аутист болалар ота-онаси кўтаришига, эркалашига қаршилиқ қиладилар. Болаларнинг бундай ҳолати кар-соқов болалар ҳатти-ҳаракатига ўхшаб кетади. Улар ўз ота-оналарини бошқалардан фарқламайдилар. Кимдир уларга мурожаат қилаётганини пайқамайдилар.

- ижтимоий муаммолар – аутист болалар бошқалар орасида ўзини ноқулай ҳис этади. Вақт ўтиши билан бу ноқулайлик ташвишга айланади. Улар қочиб кетишлари, яшириниб олишлари мумкин. Улар ўз тенгқурлари билан ўйнашни

билмайдилар. Ўртоқлик муносабатини ўрната олмайдилар. Бунга сабаб, улар бошқаларнинг ҳисий кечинмаларини тушуна олмайдилар. Аутист болалар кўпчилик билан муносабатга кириша олмагани сабабли ёлғизланиб қоладилар.

- тажовузкорлик - ҳар қандай омадсизлик ва хафагарчилик аутист болани стресс ҳолатига келтиради. Бундай вақтда унинг агрессияси бошқалардан кўра кўпроқ ўзига нисбатан бўлади.

- ўйинчоқларга қизиқишнинг сустлиги - аутист болалар турли ўйинчоқлар билан қандай ўйнашни билмайдилар. Рамзий ҳаракатларни билмайдилар. Аксарият ҳолларда битта ўйинчоққа боғланиб қоладилар.

- стереотиплик - аутист болалар бир хилликни, мунтазамликни маъқул кўрадилар. Узоқ вақт бир сўзни ёки бир хил ҳаракатни такрорлайдилар, бир жойда айланадилар, бир нарсани узоқ вақт кузатадилар, бир хил таом ейишга одатланадилар. Доимий ўрганилган кун тартибининг ўзгаришини ёқтирмайдилар.

Юқорида қайд этилган ҳолатларнинг барчаси аутист болада намоён бўлмаслиги, баъзан бир-икки ҳолатларигина кузатилиши ҳам мумкин. Бу - боладаги касалликнинг оғир-енгиллигига қараб белгиланади. Бу ҳолатларнинг болада кузатилиши тез даво чора-тадбирларини кўришни тақозо этади. Шуни эътиборга олиш лозимки, бу белгилар бола ҳаётининг дастлабки уч йилида намоён бўлади. Болаларда аутизмни белгилаш ўзига яраша қийинчиликларга эга. Оддий врач-педиатр бу касалликни аниқлаши анча қийин бўлади. Ота-оналар эса аксарият ҳолларда фарзандидаги бу намоёнликларни оддий ҳолат деб ўйлайдилар. Бола кечроқ гапириши, озгина одамови бўлиши, кўпчиликка қўшила олмаслиги, ўйинчоқлар билан ўйнамаслиги, нимадандир ранжиб, стресс ҳолатига тушиши болага хос, деган фикр боладаги касалликнинг эрта аниқланишига тўсиқ бўлади. Боладаги аутизмни аниқлашда даволовчи врач билан бирга невролог, психиатр, психолог, тор доирадаги аутизм касаллиги спектри бўйича мутахассис иштироки мақсадга мувофиқ бўлади. Аутизм касаллигининг давоси дори-дармон билан боғлиқ эмаслиги ҳозирги замон медицинаси томонидан тасдиқланган. Аутист болалар асосан ижтимоий-педогогик дастурлар орқали тарбияланади.

Аутизм билан касалланган деб гумон қилинган болалар тарбиясида ундаги аутизм спектори бузилишининг уч асосий симптомлари эътиборга олинади:

- ижтимоий муносабатлардаги қийинчиликлар;
- ўзаро муносабатлар (коммуникатив) бузилишлари;
- такрорий, стереотипли ҳатти-ҳаракатлар.

Болаларда аутизм касаллигини пайқаш ва уни даволаш учун аввало унинг ўзи нима эканини тушуниб олиш лозим бўлади. Афсуски, мамлакатимизда кўпчилик бу ҳақда ҳеч қандай маълумотга эга эмас. Бу ҳақда эшитганлар, бу касалликнинг давоси йўқ деб ўйлайдилар. Аутист – дунёни оддий одамларга нисбатан бошқачароқ қабул қилади. Аутист бола бошқа болаларга ўхшаб атроф-муҳитни ўрганмоқчи, англамоқчи, қабул қилмоқчи бўлади. Бироқ, аутист бола ўта даражада сезгир. У ёруғликнинг , ишлаётган камеранинг, оператор нафасининг овозини жуда баланд тонда эшитади. Қуёш нури унинг учун жуда ёрқин, овозлар ниҳоятда баланд, ниманингдир яқинлашиши, таъсири жуда оғриқли бўлиб туюлади. Унинг ўз фикрларини жамлаши қийин. Буларнинг бари унинг учун жуда катта стресс ҳолатини келтириб чиқаради. Бола муносабатлардан қочади. Бир-бир ярим ёшлардан бошлаб бола ўз-ўзига ўзини ҳимоя қилиш қобилигини яратиб олади. Айнан шу вақтда зийрак ота-оналар фарзанди ҳулқ-атворидаги ноанъанавий ҳолатларни сеза бошлайдилар. Йигирманчи аср ўрталаригача “аутизм” термини бўлмаган. Ва бу ҳолатдаги болаларни аутизмга умуман алоқаси бўлмаган шизофрения ташхиси билан руҳий касалликлар шифохонасига жойлаганлар. “Аутизм” термини илк бора 1943 йилда америкалик психиатр Лео Каннер\*\* томонидан ишлатилган. У 11 та ёш болани текширувдан ўтказиб, уларнинг ҳолатини ўрганган. Аутизмнинг тўрт асосий кўринишини белгилаб берган: ижтимоий бузилиш (ташқи оламдан узилиш), нутқ ривожини ва коммуникатив кўникмаларнинг бузилиши, ўзгаришларга нисбатан қаршилик, ҳаётнинг дастлабки йилларида бузилишнинг бошланиши. Бугунги кунда аутизм ташхиси бутун дунёда Каннер тадқиқоти асосида олиб борилади. Олимларнинг узок изланишлари натижасида аутизмнинг кўплаб турлари мавжудлиги аниқланган. Шу сабабли соҳа мутахассислари аутизм термини ўрнига “аутизм спектори бузилишлари” АСБ (РАС - “расстройство аутистического спектра”) терминини қўллай бошладилар. Йельск университети профессори , таниқли психиатр Фред Волкмар кузатувларига кўра аутизм ташхиси қўйилган болаларнинг 50 % и ақл ва интеллект жиҳатидан чекланган имкониятларга эга бўлса, қолган 50 % и юқори функционал даражадаги болалар ҳисобланадилар. Волкмар фикрига кўра аутист болаларнинг аксарият қисми ўзига хос иқтидорга эга бўладилар. Масалан, расм ва мусиқа; кучли хотира ва ҳ.к. Юқори функционал аутист болалар мактабни жуда яхши ботириши, ўз касбини ниҳоятда яхши эгаллаши, турли ташкилотларда ишлаб, жамиятга фойда келтириши мумкин. Ҳатто, АСБ нинг бошланғич босқичларида анча оғир бўлган болалар ҳам ҳаётда сезиларли ютуқларга эришишлари мумкин. Бундай

натижаларга эришиш учун соҳа мутахассислари бола билан жуда эрта шуғулланишни бошлашлари шарт.

Аутизм касаллигининг асосий характеристикаси - ижтимоий алоқа ва ижтимоий ўзаро муносабатларнинг доимий танқислигидир. Олимлар бир ярим асрдан бери болалар аутизмини келтириб чиқарувчи сабабларни ахтарадилар. Лео Каннер аутизмни – туғма бузилиш деб ҳисоблаган. Бироқ, ҳозирги замон олимлари аутизмнинг бола ҳаётининг биринчи йилларида ривожланишини таъкидлайдилар. АҚШ да кўп йиллар мобайнида болалар аутизми ривожланишида ота-оналарнинг айби бор деб ҳам ҳисоблаб келдилар. Лекин, 1970 йилларда олимлар аутизм боланинг мияси билан боғлиқ экани ва ота-онанинг бунга асло даҳли йўқлигини исботладилар. Охирги ўн йилликларда кўплаб мамлакатларда болаларга қилинадиган эмлашлар нишонга олинди. Бунга, 1998 йилда, The Lancet\*\*\* номли британия журналида эълон қилинган илмий мақола сабаб бўлди. Мақолада илгари сурилган фикрга кўра қизамиқ, паротит ва қизилча касаллигига қарши қилинадиган эмлашлар оқибатида болаларда аутизм касаллиги ривожланади. Шундан кейин кўплаб мамлакатларда ота-оналар фарзандларини эмлатишдан воз кеча бошладилар. Натижада кўплаб касалликларга қарши эмлашлар тўхтатилиб, эмланмаган болалар сони ортди. Аммо, аутизм касаллигининг сони камаймади. Аксинча кичик ёшдаги болалар орасида аутизм касаллиги билан касалланганлар сони бутун дунё бўйича йилдан йилга кўпая борди. Фред Волкман ўз лекцияларидан бирида: “ The Lancet да эълон қилинган мақола нотўғри бўлиб чиқди. Эндиликда биз эмланмаган катта-катта гуруҳларга эгамиз. Ва бунинг натижасида турли юқумли касалликларнинг эпидемиясига дуч келмоқдамиз”, - дейди.

Бугунги кунга келиб дунё олимларининг аксарият қисми аутизм касаллигининг асосий сабаби генетика билан боғлиқ эканига тўхталмоқдалар. Ҳозирги вақтда аутизм касаллигини ўрганиш жараёни умумий симптомларгагина асосланади. Бироқ, дунё олимлари унинг келиб чиқиш ва бартараф этиш сабаблари устида тинимсиз изланмоқдалар. Илм-фан ривожланиб бориши билан унинг турли сабаблари аниқланиб, давосининг ҳам турли-туман йўллари, услублари ишлаб чиқиши муқаррар.

“Болаларда аутизм касаллигининг кузатилиш ҳолатлари ва йил сайин кўпайиб бораётгани кишини қўрқитиши тайин”, - деб ҳисоблайди Фред Волкмар. Чунки, охирги маълумотларга кўра АҚШ да ҳар 68 боладан бири АСД билан қийналади. Бу маълумот 2012 йилга нисбатан 30 % га кўп. 2009 йилда Калифорнияда олинган рўйхатга кўра 1990 - 2007 йилларда бу касаллик 7-8 %



га ошган. Россияда “Наш солнечный мир” фондининг директори Игорь Шпицберг: “Охирга беш йил ичида мамлакатда болалардаги аутизм ниҳоятда кўп кузатилди, - дейди – 20 йилдан кейин нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Ва унинг пайдо бўлиш сабабини ҳам ҳали ҳеч ким билмайди. Балки, шу вақтгача кузатилмаган, тадқиқ этилмаган ва ташҳиси бўлмагани учун ҳам унинг ҳисобида адашгандирмиз. Бугунги кун диагностикасининг кучайиши болалардаги аутизмнинг ўсиб бораётганини рақамларда кўрсатиши табиий ҳол”.

Юқоридаги қайдлардан қатъий назар, болалардаги аутизм касаллиги у қадар кўрқинчли эмас. Мутахассислар таъкидига кўра, эрта ташҳис қўйилиб, ўз вақтида таълимий, ижтимоий ва ахлоқий ёрдам кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Европа мамлакатларида оилада фарзанд туғилганда, албатта аутизм симптомларининг бор-йўқлиги хусусида ўзига хос кузатув жараёни олиб борилади:

- бола 12 ойлик бўлганида бириктирилган шифохонадан махсус йўналишга эга бўлган ҳамшира уйга келиб, болани кузатади;
- кузатиш жараёни чекланмайди;
- ота-оналар билан тушунтириш, маълумот бериш ишлари олиб борилади;
- болада ғайриоддий ҳолатлар кузатилганда, унинг оғир-енгиллигига қараб гуруҳланади, рўйхатга олинади;
- бола махсус муассасага йўналтирилади.

Юқоридаги текширув қайди барча мамлакатларда жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кунда аутизм касаллиги ҳақида кам маълумотга эга бўлган ёки умуман ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаган регионларда тезкорлик билан қатор муаммоларни ҳал қилиш, чора-тадбирларни йўлга қўйиш тақазо этилади. Булар қуйидагилардан иборат:

- АСБ касаллиги бўйича мутахассисларни жалб қилиш;
- болалар поликлиникалари қошида маслаҳат хоналари барпо қилиш;
- болалар поликлиникалари ва аёллар маслаҳат хоналарида АСБ ҳақида маълумот берувчи брошюра ва стендлар ташкиллаштириш;
- аутизм касаллигининг дастлабки симптомларини аниқлашда ота-оналарга ёрдам берувчи ва йўналтирувчи малакали ходимларни тайёрлашни тезкор йўлга қўйиш;
- Европа мамлакатларида йўлга қўйилган интенсив эрта терапия йўналишини шакллантириш.

Бугунги кунда аутизм билан касалланган болаларни ўқитиш усуллари педогогларнинг ҳам ота-оналарнинг ҳам катта талабидир. Шу нуқтаи назардан даволашнинг турли метод (усул) лари ўрганиб чиқилган. Қуйида ана шу метод ва йўналишларнинг баъзи бирлари ҳақида тўхталиб ўтилади:

- Анча кенг тарқалган АВА\*\*\*\* терапия (Applied Dehover Analysis), яъни Амалий хулқ-атвор таҳлили аутист белгиси бўлган болаларга нисбатан қўлланиладиган ўқитув усулининг инсоният позицияси бўйича энг маъқули ҳисобланади. Амалий хулқ-атвор терапияси инсон хулқ-атворини ўзгаришга олиб келадиган таъсирларни ривожлантириш, қўллаш ва баҳолашни ўз ичига олиши билан долзарбдир. Унинг мақсади керакли хулқ-атворларини кўпайтириб, ўрганиш ва ижтимоий ўзаро таъсирга қийинчилик туғдирувчи керакмас хулқ-атворларни камайтириб боришдан иборат.

- Кейинги усул Ayres sensory Integration (ASI) - Джин Айреснинг сенсор интеграцияси усулидир. Унинг ўргатиш усули бошқа одамлар билан етарли муносабатларни ўрнатиш, кундалик ҳаётда объектлар билан ўзаро алоқаларни турли йўллар билан ўзлаштириш учун барча хиссий тизимларнинг ўзаро таъсирини ўрнатишдан иборат.

- Яна бир ўқитиш усулларида бири ТИЧ (TEACH) – Структуравий ўрганиш - Structured Teaching усулидир. Бу усул бугунги кунда дунё бўйича кенг тарқалган. У қуйидаги тузилишни ўз ичига олади: жисмоний ташкиллаштириш; жадваллар; иш оқимини ташкил этиш. Унинг мақсади аутист болаларнинг кундалик кўникмаларини ва ижтимоийлашувини ўргатишдан иборатдир. Бу техниканинг афзаллиги - чекланган маконда боланинг бошқарувчанлик қобилиятига эришиш ва бу ишда ота-оналарни жалб қилишнинг зарурати йўқлигига 100% эришиш.

- Бундан ташқари Россиялик психологлар (К.С. Лебединской, О.С. Никольской, Е.Р. Баенской, М.М. Либлинг, ва бошқалар) томонидан аутист спекторидаги (АСБ) бузилишларни тузатишга замонавий эмоционал-конспектуал ёндашув ишлаб чиқилган. Бу аутизмда аклий дизонтегенез (тананинг индивидуал ривожланишининг бузилиши)нинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаган тадқиқотларга асосланган. Бу усул гуманистик илдизларга эга бўлиб, рус дефектологлари томонидан АСБ билан касалланган болалар билан ишлашда фаол фойдаланилади.

- АСБ бўлган болани тараққиётида, дунё билан бўлган муносабатларида хиссий-семантик ёндашув усуллари ишлаб чиқилган ва қўлланилади. Ҳиссий-семантик ёндашув болага атроф-муҳит билан фаол муносабатда бўлишига ёрдам



беради. Ҳиссий ёндашув атроф воқеалар билан бирга яшаш ва ҳиссий ҳис қилиш имконини беради. Аутист бола билан ҳиссий алоқани ташкил этиш параметрлари: масофа, давомлилик, ритм, интенсивлик ва шакл, натижадан олинган таассуротларнинг ҳиссий модаллик ҳисобга олиниши шарти билан ҳиссий алоқа ўрнатиш кафолатлари. (Баенская Е.Р., 2014)

Юқорида қайд этилган ўргатиш методларининг ҳар бири ўзига хос. Аутизм касали эса ниҳоятда серқирра ҳолат ва кўринишларга эга. У жуда кўп тадқиқотлар, изланишларни тақазо этади. АСБ бўлган болаларнинг ҳар бири алоҳида ҳилқат бўлиб, ҳар бирига алоҳида ёндашув мақсадга мувофиқдир. Бир мақола замирида АСБ бўлган болаларнинг ижтимоий ҳаётга бўлган муносабатларини тарбиялаш, тарбиянинг турли методлар ва тажрибаларини кенг қўламда таҳлил қилиш, масаланинг илмий, психологик, педогогик, ижтимоий, иқтисодий жиҳатларини ёритиш имкони чекланган, албатта. Бироқ, шуни таъкидлаш лозим-ки, оилада, махсус таълим муассасаларида АСБ бўлган болалар билан мунтазам шуғилланиш уларда безовталиikka дош беришни осонлаштиради, алоқалардаги фаолликни оширади ва одатий ёқимли таассуротларга ранг-баранглик киритади. Ишлаб чиқилган ўқитиш методлари боладаги кундалик ҳаётга бўлган муносабатларга нисбатан катта тажриба беради ва унинг ташқи муҳитга бўлган муносабатларини мувофиқлаштиради. Секин-секин тўпланиб борадиган кичик-кичик ижобий таъсирлар кундалик ҳаётда каттароқ, мураккаброқ жараёнларга нисбатан муносабатларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди. Катталарнинг барча муносабатларни бола билан биргаликда кечириши енгиб ўтиш, ҳис қилиш, муносабат билдириш, маълум вазиятдаги маълум ҳолатларда ўзини идора эта олиш, қўрқувлардан халос бўлиш имконини яратади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳар бир аутист боланинг ота-онаси ўз фарзанди учун ўқув методини ўзи танлаш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда ўз фарзандининг ҳолатидан келиб чиқиш ва унинг келажагига мақбул бўладиган услубни тўғри танлаш жуда муҳим. Шуни эсдан чиқармаслик лозим-ки, ҳар бир аутист бола ўз қарашларига, қизиқишларига, исътедодига, кўникмаларига, қийинчилик ва имкониятларига эга бўлган алоҳида ШАХСдир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Дети с аутизмом.[Текст] П. Сатмари; пер. с англ. З.Замчук. –Санкт-Петербург: Питер, 2005. -224с.
2. Дети с нарушениями общения: ранний детский аутизм [Текст] учеб. издание/ К.С. Лебединская, О.С. Никольская, Е. Р. Баенская, М.М. Либлинг, Р. К. Ульянова, Т. И. Морозова. – М.: Просвещение, 1989. – 95с.
3. Эмоциональные нарушения в детском возрасте и их коррекция // В.В. Лебединский, О.С. Никольская, Е.Р. Баенская, М.М. Либлинг – М: Московского университета, 1990 – 197с.
4. Психологическая помощь детям с проблемами в развитии [Текст] / И. И. Мамайчук. – Санкт-Петербург: Речь, 2001. – 219с.
5. Аутизм у детей. В. Е. Каган. Россия, издательство: «Смысл», 1981/2020.
6. Аутистические нарушения аффективного контакта. Лео Каннер. Перевод с английского В.Е. Кагана. Даллас, США, 2010. – 33с.
7. О лингвистических аспектах аутизма. Т.Г. Скребцова. УДК 616.89.81’33. Вестник СПбГУ. Сер.16.2016. Вып. 3
8. Norboevna, R. N. (2021). IMPROVING THE MEMBERSHIP SYSTEM IN ECOLOGICAL EDUCATION OF PRESCHOOL CHILDREN. In Archive of Conferences (Vol. 20, No. 1, pp. 97-98).
9. Adilova, A. S. (2021). Corpora and corpus-based teaching Uzbek to foreigners. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding (IJMMU), 8(4), 525-531.
10. Abdurahimovna, A. S. (2021, December). Tilshunoslik va tibbiyot integratsiyasi (AQSHdagi ayrim universitetlar misolida). In Conferences.
11. Adilova, S. A. O ‘ZBEK TILINI XORIJIY TIL SIFATIDA O ‘QITISH: TAJRIBA, MUAMMO, ISTIQBOL.
12. Ravshanova, N. N. (2023). Designing Modern Models of Biological Education Theories and Content in Educators. Telematique, 22(01), 3034-3040.
13. Ravshanova, N. N. (2020). THE PRINCIPLE OF CONTINUITY IN ENVIRONMENTAL EDUCATION OF PRESCHOOL CHILDREN. Scientific Bulletin of Namangan State University, 2(6), 369-374.
14. Norboyevna, R. N., & Shukurullaev, A. O. (2024). MAKTABGACHA TA’LIM TASHKILOTIDA EKOLOGIK TEATRNI TASHKIL ETISH ORQALI EKOLOGIK KONSEPTUAL ASOSLARINI SHAKLLANTIRISH. Inter education & global study, (7), 158-164.
15. Ravshanova, N. N., & Norqulova, L. S. Q. (2023). MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNI EKOLOGIK TARBIYALASHDA IJTIMOIIY ZARURIYAT SIFATIDA. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(11), 685-692.